





# ИСТИҚБОЛГА БОШЛАР ЙЎЛЛАР МУНАВВАР

## «ТОШКЕНТ ПЛАЗА» - ЯНГИ САВДО МАРКАЗИ

**Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида қарашли Халқаро савдо-кўرғазма мажмуи қошида «Тошкент Плаза» савдо маркази ишга тушди. Қуни кеча унинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.**

«Тошкент Плаза» жаҳоннинг энг илғор фирма ва компанияларида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни, энг сўнгги бичимдаги либос намуналарини ўзбекистонликларга тақдим этиш ва сотувга чиқариш билан шуғулланади. Марказнинг юқори даражада безатилган ва нозик дид билан жиҳозланган икки қаватли биносидан харидорлар нафақат савдо,

балки ҳордиқ учун ҳам қулайликлар яратилган. Зиёратчилар бу ерда сифатли маҳсулотлар харид қилиш билан бирга, ҳатто авиачиптага бюртма бериши ҳам мумкин.

Марказнинг тантанали очилиш маросимида ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э.Ғаниев сўзга чиқиб, ҳар йили мустақиллик байрами арафасида янги ишоотлар барпо этиш яхши анъангага айланганини, «Тошкент Плаза» савдо маркази ҳам Ватанимиз мустақиллигининг саккиз йиллигига ажойиб тухфа бўлганини таъкидлади.

(Ўза)

## ЎЗГАРИШ

ди, марказий дорихона ва алоқалар уйи олдидан янги фаворалар бунёд этилди. Янгиқўрган тумани «азон» қишлоғида икки қаватли ўрта мактаб биноси ўқувчиларга ўз ашиқларини чади. Мустақиллик шодиёналари арафасида гуллар ҳамда ҳосил байрами ўтказилди. Ҳосил байрамида вилоятдаги барча туманлар жамоа ҳўжалиқлари, фермер ҳўжалиқлари ўз далаларида етиштирган ноз-неъматларни шаҳарликларга арзон нархларда етказиб бердилар. Икки кун давом этган ҳосил байрамида сабзавот, мева ва полиз маҳсулотлари байрам дастурхонини безади.

## инфратузилмаси одими УПАНДИ

бўлди. Аҳолига маданий хизмат кўрсатишни тобора яхшилаш ҳаракат қилинаётган, Масалан, «Насаф» ҳўжалиғидagi халқ дастаси мактабни олган «Момогул», «Ўли обод», Акмал Икромов ҳўжалиғидagi «Ҳилола» дасталари бевосита касаб уюшмалари ҳомийлигида. Эндиликда «Момогул» дастасини республикада яхши билишади. Яқинда америкалик киночилар бу даста фаолиятини ҳақда ҳўжажатли фильм яратишди.

Бу ерда ҳар йили кишлоқ спортчиларининг мусобақаларини ўтказиш анъананага айланган қолди. Туман волейболчилари 1997-1998 йилларда вилоят гóлиби бўлишди, мамлакат кишлоқ спортчилари ўртасида Жиззах ва Навоий шаҳарларида ўтказилган турнирларда фахрли иккинчи ўринни эгаллашди.

## ШАҲРИСАБЗ

вилоятнинг энг гўзал тоғли туманларидан бири. Бу ерда табарруқ қадамжолар кўп. Туманнинг барча меҳнат жаҳаларида ишчанлик, яратувчилик кайфияти ҳўқмон. Мустақиллик кунигача бу ерда қарийб 331 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари нихоясига етказилди. Санитария-эпидемиология станциясининг маъмурий биноси, «Ҳазора» жамоа ширкат ҳўжалиғидagi 50 ўринли кишлоқ врачлик пункти, автосервис, 4500 квадрат-метр майдондаги улуржи савдо бозори, «Консерв» ҳўссадорлик жамятига 40 оилага мўлжалланган уй-жой, У.Ибрагимов номили, Бо-бир номили жамоа ҳўжалиқларидаги Зинкина ва Мушлитой кишлоқларини газлаштириш, «Окдар» ҳўжалиғининг Сайёд қишлоғида 2000 метр сув қувурлари тортиш шулар жумласидандир.

носиб тухфа бўлди. Зафаробод туманида 450 ўринли касб-хўнар, Пахтаобод туманида 450 ўринли ўқув, 240 ўринли ётоқхонаси билан касб-хўнар, Жиззах туманида 600 ўринли ўқув, 100 ўринли ётоқхонаси билан касб-хўнар коллежлари билимга иштиёқманд, хўнарга ҳавасманд ёшларимизга ўз ашиқларини очади. Шунингдек, 64 минг квадрат метр ҳажмдаги тураржой, 180 ўринли умумий оватланган бинолари йилгига 3000 тонна ёғ ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган «ЭЛРКНУР» корхонаси, Жиззах шаҳар ички ишлар бошқармасига қарашли ёпиқ спорт мажмуаси, «Кутарма» маҳалла гузары байрам арафасида ажиб бир тухфа бўлди.

**СУРХОНДАРЁ.** Байрамга сурхондарёликлар ҳам муносиб тухфалар олдилар. Жумладан, замонавий мейморчилик талаблари ҳамда шарқона услубда қурилган «Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги» теннис мажмуи, шаҳар давлат солиқ инспекцияси биноси, ўнлаб шахсий савдо дўконлари, турли маъшиий хизмат нуқталари, «Оби-лей» марказий бозори,



«ЎзавтоДЭУ» автосалони каби ўнлаб бинолар термизийлар юртининг кўр-кига-кўрк бўлиб қўшилди. Шаҳардаги А.Навоий, А.Қаҳҳор, Ат-Термизий, А.Темур номили кўчалар гўзал ва фусункор қиёфада қайта таъмирланди. Термизда шаҳар ҳокимлигининг ташаббуси билан кунда бир ўзгариш амалга оширилмоқда. Шаҳарда юбилей ишоотлари деб ном олган маъшиий хизмат корхонаси қурилиши, ҳайвонот боғи, вилоят кутубхонаси, 130 ўринли турғуқона, аёллар маслаҳатхонаси, Термиз давлат университетининг Маъмурий биноси, мусиқа билим юртининг иккинчи навбати, халқаро тоифадаги уч юлдузли меҳмонхона мажмуи, «Термизнинг 2500 йиллиги» хиёбонларида катта ўзгаришлар амалга оширилди. Юқори босимли сув тармоғи янгилаиб, сув тармоғи ўтказилди. Мавжуд сув ҳавзаси эса кенгайтирилди. Термиз шаҳри кундан-кун чирой очмоқда.

**Фазилат ҲОЖИҚУЛОВА** тайёрлади.



## КЎШАЛОҚ БАЙРАМ

**Коровубозордаги улкан қорхона - Нефтни қайта ишлаш заводиди истиқбол байрами арафасида қўшалок унутилмас воқеа юз берди. Корхонада халқ ҳўжалиғи учун зарур техник кислород ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Нефтичилар шаҳарчасида завод маблаг ҳисобидан барча замонавий қулайликларга эга бўлган бешта уй фойдаланишга топширилди.**



**Жорий йилнинг Аёллар йили деб эълон қилинганлиги бежиз эмас. Чунки жамятиимиз тараққиётда уларнинг ҳам муносиб улушлари бор. Айниқса, кишлоқ меҳнатқашларининг ҳўқуқий, ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилишда хотин-қизларга хос гамхўрлик алоҳида аҳамият касб этади. Бундай масъулятни чуқур ҳис этган Ромитан тумани кишлоқ ҳўжалиқ ходимлари мажмуаси касаб уюшма қўмитаси раислигига Саломат опа Комилова номзодини тавсия этишди.**

«Саккиз йил мобайнида Ўзбекистон олға қадам босди. Қонун устуворлиги, ижтимоий тизимнинг аниқ-равшанлиги, жомаат ташкилотларининг хўсат даражадаги фаолияти, оммавий ахборот воситаларининг эркин эҳналлиги ривожланган демократик жамятининг етакчи мезонлари ҳисобланади. Менинг назаримда, ҳозир республикада ҳақиқатан ҳам ҳўқуқий демократик давлат қуришга имкон берадиган даражада мустақам қонунчилик базаси яратилди. «Ўзбек модели» ҳўсусида гап кетганда эса, қандайдир бошқа ердан нўсха қурилмаганинигининг ўзи биланок қизиқувчиганатди. Давлат тепасидаги ўз халқи, ўз мамлакатига сидқидилдан гамхўрлик қилаётган

## Ислоҳот инсон учун

Мустақиллик байрами арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармониға биноан мамлакат иқтисодиётини юксалтириш, республикамиз кишлоқ ҳўжалиқ соҳасидаги кўп йиллик ҳалол хизматлари эвазига бир гуруҳ юртдошларимиз давлатимизнинг ордени медаллари билан тақдирландилар. Муқофотланганлар орасида Бўжоро тумани «Маданият» жамоа ҳўжалиғи раҳбари Муҳаммад Аҳмедов ҳам бор. У «Меҳнат шўхрати» ордениға мушарраф бўлди.

## МАФТУНИНГМАН, ОНА ҚИШЛОГИМ

Ҳайла кечикимиз. Уэр, раис бова. —Хар нараранинг ҳам вақти-соатида қилган яхши. Уруғлик етмаётган бўлса, уни айтинг. —Хаммаси бор, етарли. Раҳмат. Эқиш шу бугундан қолмайди. Бундай мисолларни раиснинг кўндалиқ фаолиятиндан кўплаб келтириш мумкин. —Жорий йил фалкорларимиз учун омадли кечди. —дейтиди у. — Ҳўжалигимиз тарихида илк бор 4,5 минг тонналик дивон эгалланди. Ишлаб чиқариш йили маҳсулотнинг 1850 тоннаси давлатга сотилди. Бу, режада кўзда тутилганидан 450 тонна кўпдир. Ҳосилдорлик ўрта ҳисобда гектар бошиға 52 центнерди, таъкир қилди. Айниқса, пулратчилардан Латиф Ҳақимов, Тоҳир Муқомов, Ҳасан Аминов, Ҳасан Маждивларға етадигани топилмади. Уларнинг ҳар бири гектаридан 60-70 центнердан ошдир ҳосил олишини улдасидан қишқиди. Биз раиснинг гаийға қуйдаги хўсасларини ҳам қўшимча қилмоқчимиз. Пулратчи Жаҳон Муродов 10 гектар ерга деҳқончилик қилиб 38 тонна дон етиштириш ҳўсусида ҳўжалиқ билан шарқона тузган эди. Оила аъзолари билан бир жон, бир тан бўлиб меҳнат қилган пулратчи рекорд даражада ҳосил олди. Яқиний ҳисоб-китобларға кўра, уриб-йиғиб олинган ҳосил салмоғи 70,1 тоннани ташкил этди. Бу режадигидан нақд 32 тонна кўпхосил демақдур. Пулратчиға 24500 сўм микдоридида натура ҳолатида маҳсулот ажратилди. Унинг даромади 1 миллион 752 миң сўмни ташкил этади. Соф фойда 560 миң сўм. Жамоа ҳўжалиғининг умумий даромади эса 96 миллион сўмдан ошди кетди. Шундан соф фойда 32,2 миллион сўм. Рентабеллик даражаси 51 фоизни ташкил қилади.

Шу кўни қўшни бригадара

## Элим деб, юртим деб ёниб яшаётганлар

### ХАЗИНА

Мен деҳқон фарзандиман. Эсимни танибманки, кетмонни, далани биламан. Нега ўн йиллар оддий кетмончи, сувчи бўлиб ишладим. Мана, бир неча йилдирки, бригадаға бошчилик қилайман. Шунча йил умр кўриб ҳаётимда бу йилги кўнчликни кун сингари унутилмас воқеа юз бермаган. Уша кўни ҳам одатдагидек ишдан кеч қайтдим. Адирлик ён бағридаги гўза дони қеириш билан банд бўлиб қоронғу тушганини ни сезмай қолган. Аслида, ёз пайтларида қўлчанча дала шийтониди тунашға одатланганман, аммо қўшним касаллигини эшитиб бирров уйға тушиб чиқишға қарор қилгандим. Ажабо, яқин танишларимдан бири кишлоқ четида мени кўри-ю, чопиб келиб кучоқлаб қўришди. Қандайдир янгиликни айтиб куюк табриқлади. Шу тахлит кимкини учратсам «муқофот мўшорак» дея кўт-лашға тушибди.

Кейин билсам, мамлакатимизнинг Олий муқофоти «Ўзбекистон қаҳрамони» унвони ҳамда «Олтин олдуз» медалига мушарраф бўлибман.

Очиғи, тун бўйи уйкум келмади. Ҳўза суроётган сувчилар ёниға бордим. Борлиқни сўп селпадек ёритаётган ой ёғдусида ҳорғин мудрётган пайкалар бўйлаб кездим. Олтмиш йилдан эиэд умр кечириб бошдан ўтказган воқеаларни хаёлдан ўтказдим. Ҳеч-ҳеч эсимдан чиқмайди. Урушдан кейинги оғир йиллар. Ушанда анча ақлимиз қириб қолган бола эдик. Қалабанд сўн турмуш ўнганлиб кетади, нон сероб бўлади, деб умид қилардик. Аммо анча йилгача қийинчилик давом этди. Биз — уруш йиллар ўсимилари меҳнатни, ярим оч, яланғоч ҳаётни кўрдик, ҳолос. Шароит оғирлигидан ўқишининг ҳам тағирини йўқдек эди. Бир-икки соат ўқимасимиздан уйдан белимизға тугиб келган зогора исонини янада маҳкамроқ танғиб олиб, гўзани ятганча лағабга, ўтгоққа қуллас, сўнги тола пахта қолғунча далаға қараб йўл олардик. Мақтабни тамомлаганимиздан кейин эса ўқил-кесил (армия хизматини ҳисобга олманганда) деҳқон бўлдик-қолдик.

У маҳалларда ҳозир боғроқларга, ям-яшил экинзорларга бурканган Айқирон адирликларни сўнғадек қотиб ётган дашт эди. Қуш уса қаноти, одам юрса оёғи қуядиган ана шу адирликларни қадамба-қадам ўзлаштирдик. Бугунги кунда бу ерда қатор ҳўжалиқлар, кишлоқлар қад ростладики, булар қортоқлик меҳнатқаш деҳқон меҳнатига ёдгорлик сифатида ҳали неча миң йиллар инсониятни боқиб, қийинтиради. Кўплар қатори Шербудки адирликларини ўзлаштиришда ҳам иштирок этдим. 400 гектар дашт ерни экинзорға айлантирдик.

Адирлик ерлар яшнаб, қиёфасини ўзгартирибгина қолмасдан, биз, деҳқон фарзандлари ҳам ўсиб-ундик. Мени энг хурсанд қилган нарса шуки, олдинлари фақат пахтачилик билан шуғулланиб келган бўлсак, мустақиллик деҳқон фарзанди учун қанотини янада кенгрок ёзиш имконини берди. Ҳозир ризқ-насибамиз ҳисобланган дон энди четдан келтирилмайди. Пахтачилик билан бир қаторда галачиликни жадал ривожлантирилимиз. Масалан, бу йил бригадамиз 44 гектар галла майдонининг ҳар гектаридан 62 центнердан ҳосил йиғиштириб олди. Агар уруғчилик яхшироқ йўлга қўйилса, ҳашо-ратта қарши қурашни яхшироқ ташкил этсам, бир сўз билан ифодаланганда, агро-техника тақомиллаштирилса, ҳосилдорлик 80-90 центнерға қўтариш мумкин. Бунинг учун энг муҳими, ер эгасини топиши керак.

Мен фарзандларим, ўғлим - меҳанизатор Авазбек, қизларим, шифокорлар Хадича ва Маҳмудхонларға, ўқитувчилик қилишгаётган Маҳфўз ва Машиқуларға, барча шоғирларимға меҳнат инсон ҳаётини безатибгина қолмасдан қар қаёнда ҳазиналар қалипти эканлигини қайта-қайта ўқираман. Ўзбек халқи гоёт меҳнатқаш, тиришқок, қўзлаган манзилини эгалла-масдан қўймайди. Имомини қимлики, миллатимизнинг ана шундай фазилати орқасидан севиқли Ватанимиз жаҳондаги энг бой-бадавлат, ҳар томонлама тараққий толган мамлакатлар қаторидан ўрин олади.

**Абдували АБДУРАХИМОВ,** Чортқ туманидаги «Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиғи» ширкат ҳўжалиғи.



Истиқбол нуруни дилларға жо этган кичкин-тойлар учун бугун қўшалок байрам. Хуш келибсан, Хўрлик! Хуш келибсан, янги ўқув йили!

## «ЎЗБЕКИСТОН-ЎХШАШИ ЙЎҚ БЎСТОН»

дейти Корея Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулудда ва мухтор элчиси Чо Ёнг Ха

қули ва қатъиятли раҳбар ту-рибди. Мамлакатингиз фуқароларининг жиглиги, уларда ватандарварлик туйғусининг нақадар қучли ривожланганлиғи кишини ҳайратда қолди ва беихтиёр ҳавас уйғотади. Уйлашмиқча, агар Кореяда бозор муносабатларига асосланган демократик жамят қуришға киришилган дастлабки кезларда ҳўкумат тепасида қучли ва билимдон шахслар турмаганида, ўз мақсадида собит, ўз мероси, буюк аждодлари ва чу-

қурибди. Мамлакатингиз фуқароларининг жиглиги, уларда ватандарварлик туйғусининг нақадар қучли ривожланганлиғи кишини ҳайратда қолди ва беихтиёр ҳавас уйғотади. Уйлашмиқча, агар Кореяда бозор муносабатларига асосланган демократик жамят қуришға киришилган дастлабки кезларда ҳўкумат тепасида қучли ва билимдон шахслар турмаганида, ўз мақсадида собит, ўз мероси, буюк аждодлари ва чу-қур илдиз отган анъаналаридан фахрланувчи меҳнатқаш халқ бўлмаганида бизнинг юртининг қиллаш стратегиясини қўллагандасизлар. Корея ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида гап кетганда айтиш лозимки, у мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган кундан бошлаб мустақамланмоқда ва тараққий толмақда. Лекин шунга қарамай, икки томонлама ҳамкорлиқни ривожлантириш имкониятларидан тўла фойдаланишга, деб бўл-

**Ялғош САРИЕВ,** «Ишонч» муҳбири.

# Шарқ тароналари: СОЗЛАР СЕХРИ РЎЙИ ЗАМИНГА ТАРАЛСИН!

**Беш кунки, Самарқанд чин маънода рўйи замин сайкалига айланди. Беш кунки, асрлар буйи мудрок уйкуда ётган кўхна Регистонни олам оханглари ўз оғушига олди. Ўттиз беш давлатнинг байроқлари беизади унинг мустабиллик даврида садпора бўлган, факатгина истиқлол шарофатидан охорланган бағрини! Куйлару кўшиқлар, сўзлару рақсларга мос тарзда жилоланиб турган сахнавий кўринишлар бир-бири билан қўшилиб, янада гўзаллик бахш этди Регистон киёфасига!**

«Шарқ тароналари» иккинчи халқаро мусиқа фестивалининг тантанали очилиш маросимида, унда намойиш қилинган санъат дурдоналарига нафақат майдонни тўлдирган тўрт минг санъат шайдоси, балки осмонни беизаган сон-саноксиз юлдузларнинг ҳам ҳаваси келди. Соҳир куйлар сеҳри, мафтункор кўшиқлар улашган меҳрдан диллар жунбушга келди, қалблар кўшиқдан масрур, кўнгиллар куйлардан сарафроз бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг ёниқ нутқи, ЮНЕСКО Бош директорининг вакили, Бутунжаҳон «Мерос» марказининг директори Мунир Бушинаки, Халқаро хайрат раисиси, профессор Харуми Кашшиба хонимнинг эҳтирому эътирофига тўла дил сўзлари халқимизнинг байрамога руҳиятига алоҳида кўтаринкилик, факатгина Шарқнинггина эмас, амалда умумжаҳон байрамга айланган кетган «Шарқ тароналари» иккинчи халқаро мусиқа фестивали қатнашчиларининг қалбларига жўшқинлик, дилларига шодлик бахш этди.

Бу кўтаринкилик ва шодликлар фестивалини-

нг тантанали очилиш маросимига бағишланган саҳна сўнггида самога кўйиб юборилган шарлар худди анжуманга йиғилган шарқ мусиқа ихлосмандлари каби бир тўп бўлиб мадраса пештоқида бирлашганда, осмону фалакка кўтарилган мустақил Ўзбекистоннинг ниҳоятда улугвор ва гўзал байроғи тўрт минг кишилик издиҳом ҳилпираб турганда янада авж нуқталарига кўтарилди. Бир ярим соат давом этган тантаналарда бундай қувончли ҳолатлар бир неча бор такрорланди ва ҳар гал гулдурос қарсақлару узлуксиз олқишларга сабаб бўлди.

Аслида саккиз йил дегани оқсоч дунёнинг улугвор ёши олдидан оний бир лаҳзадек гап. Аммо, мустақилликка эришганимиздан буюн босиб ўтилган бу қисқа тарихий йўлнинг ҳам эсда қоларли, унутилмас онлари кўп бўлди. Айниқса, Мустақиллик кўни, Наврўз каби улуг байрамларимизни, буюк алломаларимиз тўғилган муборак кўнларни, тарихнинг ўзи қадр кўхна ва ҳамиси навқирон шаҳарларимизнинг тарихий юбилейларини ўтказганда ҳам ўзига хос миллийлик, асрий анъаналаримизга содиқлик руҳида нишонлаш анъаналари юзага келмоқда. Иккинчи бора Самарқандда ўтказилаётган «Ша-

рқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали эса ана шу анъаналарнинг давоми, юксак чўққиси сифатида барчанинг эътиборини қозонмоқда.

Беш кунки, соҳибқирон бобомиз Амир Темуру, буюк мутафаккир, шеърят мулкининг султони Алишер Навоий, фалак тоқининг сўнмас юлдузи Мирзо Улуг-

лашмоқда. Зеро, чегара билмайдиған мусиқагина, соҳирлик касб этган санъатгина халқларни бирлаштиради, ягона, муштарак туйғу атрофида жамлайди. Мусиқа очган йўллар минглаб, юз минглаб дилларга туташиди, мисоли бир кўп-риқдек юртни юртга, эл-



бек сингари ўнлаб улугларимизнинг пок руҳлари келиб юрган Самарқанд сароб-ю танбурининг, дутуру ситорининг, гижжагу кўшнайнинг - яна қанчадан-қанча шарқ мусиқа асбобларидан таралган нағма-ю нолаларнинг сеҳридан сарафроз бўлмоқда.

Беш кунки, инглиз, омон, фаранг, япон, ҳинд, турк, туркман каби ўнлаб тилларда сўзлашувчи халқлар бир-бирлари билан факат мусиқа тилида тиллашиб, саз орқали сўз-

ни элга қўшади.

Илоҳо, Самарқанддан сафар қилган созлар сеҳри рўйи заминга таралсин! Бугун бутун дунёни ўз уйида меҳмон қилаётган она юртим Ўзбекистон жаҳон халқларининг қалбларига абадул-абад муҳрланиб қолсин! Токи, шундай гўзал ва бетакор дюр диёр борлигини олам аҳли тонгла маҳширагача унутмасин!

**Темур ҚУРБОН,**  
«Ишонч» муҳбири.

# ФИНАЛГА ЙЎЛЛАНМА

мусобақасида «Кизилтепа-геология» жамоаси голиб бўлди. Шунингдек, стол тенниси бўйича эркаклар ўртасида Ю.Зайцев, аёллар ўртасида И.Дрезлер биринчи ўринни эгаллади. Умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни «ТашГорПЭС», иккинчи ўринни «Кизилтепагеология», учинчи ўринни эса «Ўзэнергосозлаш» жамоалари банд этдилар.

«ТашГорПЭС» лар лойиқ кўрилди. Шунингдек, стол тенниси бўйича эркаклар ўртасида Ю.Зайцев, аёллар ўртасида И.Дрезлер биринчи ўринни эгаллади. Умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни «ТашГорПЭС», иккинчи ўринни «Кизилтепагеология», учинчи ўринни эса «Ўзэнергосозлаш» жамоалари банд этдилар.

Мусобақалар сўнггида спартакиада голиб ва совриндорларига Фахрий ёрлик ва қимматбахо совгаларни тармоқ касабана уюшма Марказий Қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари У.Мирҳабобов ва тармоқ касабана уюшма шахар қўмитасининг раиси Г.Ҳакимовлар топширдилар. Ҳали бундан 10-12 сентябр кўнлари бўлиб ўтган II Республика Спартакиадаси финал босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

# СПОРТИМИЗ БАЙРОҒИНИ БАЛАНДА КЎТАРИБ

Фараҳбахшли кўнлар силсиласида энтиқиб, ҳали бу ойдин кўнларни қачон туш кўрдим экан, дея ўз-ўзимизга савол бера-бера Мустақилликнинг 8 йиллик остонасига ҳам етиб келибмиз. Тўғри, тарих гилдираги олдидан бу сана сонияча эмасдир. Аммо унинг ҳар дақиқаси биз учун минг йилларга тенг.

Одатда йил яқунланса, қилинган ишлар сарҳисоб қилинади. Биз эса дунё халқлари анъаналарини эътироф этган ҳолда мустақиллик байрами баҳонасида, ҳўш, бир йил ичида нималарни қилишга улгурдигу, қайси ишларни бажаришга вақтимизнинг қўли қисқалиқ қилиб қолди, деган саволни ўзимизга беришга ўргандик. Хали ҳам орамизда оз бўлса-да мугелик даврини кўрсатувчилар топилди. Уларнинг берадиган саволи битта: Тўтоқаман? Мана шундайларни кўрсам, жавобим тайёр. Мустақиллик менга ОЗОДЛИК, ЭРКИНЛИК, ХУРЛИГИМИНИ қайтариб берди.

- Сен-чи, сен мустақилликка нима бердинг?

Тилинг айланмайди. Жамият тараққиёти учун, мустақилликни мустаҳкамлаш, юртимиз равнақи, фарзандларимизнинг эмин-эркин яшашу учун лоақал қўлингдан келмаса тилинг билан, дилинг билан ҳисса қўшолдингми? Мустақиллик сенга нима берди, деб сен ўтирсанг, сенга-чи, сенга нима берди, деб мен ўтираверсам... Камбағални худо бекорга камбағал қилмайди, деган ҳақиқатни эшитган бўлсанг, ҳулосаси сендан...

пионатлари баҳсларида, турли халқаро турнирларда мамлакатимизни муносиб равишда шарафлашмоқда. Қисқатгина давр ичида профессионал боксчилар ўртасида 8 қарра жаҳон чемпиони Артур Григорян, энг ишончли вакилларимиздан Маҳаматқодир Абдуллаев, Лазизбек Зокиров, Тимур Туляков, Руслан Чагаев, Олмас Юсупов (кибоксинг), бутун дунёни лол қолдирган, жаҳонда ягона ҳавода уч марта айланган ҳолда сакрашни ўзлаштирган фристайлчи миз Лина Черзезева, кураш бўйича Жаҳон чемпиони Таштемир Мухаммадиев, Ақобир Курбонов, Камол Муродовларнинг доврўғи дунёга дoston бўлди. Юртимиз шон-шухратини сарбаланд этаятган, байроғимизни жаҳон ареналарида қайта-қайта хилпиратаётган спортчиларимиз ҳақида қанча ёзсак ҳам, шунчалик ҳамдек кўнариберилади. Мамлакатимизда кейинги пайларда спортнинг бокс турига алоҳида эътибор берилиши бу тур бўйича қўлаб иктидорли спортчиларнинг етишиб чиқшишига замин яратмоқда. Бокс бўйича юртдошларимиздан Осие, Европа, Жаҳон чемпиони яна бир ёрқин юлдуз пайдо бўлаётганини кўрсатди. Дарҳақиқат, юртимиз полвонрикий қарорлар қабул қилинди. Қувонарлики шундаки, спортчиларимиз Осие, Европа, Жаҳон чем-

батта. Рақибларининг жаҳонда таниқли боксчилар эканлигини Лазизбек биларди. Шунга қарамасдан, темирўй шиддат ва жасорат билан «жанг майдони»га чиқди. Дастлаб африкалик Аҳмад Добрини, сўнг италиялик Павло Видасни ва хитойлик Абдул Дуксини мағлубиятга учратиб, оғир вазили профессионал боксчилар ўртасида Жаҳон Кубогини қўлга киритишга муваффақ бўлди.

Лазизбек ҳақида гап кетганда, ўртоқлари уни «кумушдан олтини кўп йигит», деб таърифлашади. Дарҳақиқат шундай. Лазизбек Зокиров 11-Осие ўйинлари чемпиони, Таиланд ва Туркияда ўтказилган йирик халқаро турнирларнинг 3 қарра чемпиони. Боксчимиз 1995 йилги Осие чемпионатида қумуш медал соҳиби бўлган эди.

Унинг дўстлари ҳам, устозлари ҳам инсонда кам учрайдиған қучли ирода унда борлигини эътироф этишади. Ҳалабга бўлган ишонч ҳатто у йўлини бой бераётган дақиқаларда ҳам уни тарқ этмайди. У рингда рақибининг заиф нуқталарини дарров илғаб олади.

Зеро, жангдан мақсад галаба қилишдир, дейди Лазизбек. - Қимда галабага ишонч бўлади? Албатта, қимда куч, иктидор, ирода бўлса. Спортчиларда жисмоний қуддан ташқари ҳали илмий фанда яхши ўрганилмаган «руҳий қувват» ҳам борки, у ҳар қандай ҳолларда ҳам ўзига бўлган ишончини тарқ этмайди. Лазизбекда ҳам ана шу куч ҳукмрон.

Спортчида ишонч бўлмас экан, у кўп «зарба»ларга учрайди. Уни тарбиялайдиған бирдан бир восита ҳам ишончдир. Лазизбекда ёшлиқдан боксга бўлган қизиқ қимда яхши боксчи бўлишга ишонч уни бутун дунёга танитди. Профессинал боксда 91 килограмдан ортиқ вазнда бокс тушадиған бу йигит ҳали ёш. Унинг ютуғи ҳам ёшлиғидир. Иктидорли Лазизбекдан умидимиз қатта. У ўзининг тарих зарварига қўлаб чемпионликларни қайд этади деган умиддамиз.

ШАХРИЁР

# Мустақиллик деганда мен озодлик, эркинлик, қонун олдидан барча баробар эканлигини тушунаман. Яқинда ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган анжуманда севимли ёзувчимиз Саид Аҳмад лўнда, ҳаққоний фикрини айтди:

Мустақиллик ўзбекининг ўз номини ўзига қайтариб берди. Мен бундан ортиқ таърифи беролмайман, дея бир катор мисоллар келтирди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган бир воқеа ёдимга тушди. 1960 йиллар боши эди. Мен ишлаб турган 24-ўрта мактабнинг илғор муаллими-ридан бири Муаззам Назаровнинг Олий Советга

мига етиб келиши зарур деб туриб олди. Маҳалла кексалари: - ўғлим, мусулмончиликда киши вафот этиши билан дафн этмоқ зарур дейишди.

Сира кўнмади. Хуллас, дафн маросими бошдан охиригача оғаларимиз расм-русумига амал қилинган ҳолда ўтказилди. Нега шундай бўлди? Чунки, биз ўз динимиз, эркимиз, эътиқодимиздан мосуво бўлган эдик.

Мустақиллик туфайли бутун дўстларим, қариндош уруғларим ҳаётида ҳам қувончли ўзгаришлар рўй берди. Мен ишлаган 24-ўрта мактабда 10нафардан ортиқ ўқитувчи «Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи» уюшмаси аъзоси бўлди. Президент Фармонидан, Вазирлар Маҳкамаси қарори билан ўқитувчиларга қатта имтиёзлар яратилди.

Маълумки, ютуқларимизни мустаҳкамлаш учун жиддий курашмоғимиз, фидойилик кўрсатмоғимиз зарур. Бунинг учун кенг маънавиятли, маърифатли, фидойи кишиларни тарбияламоқ талаб этилади. Мамлакатимизда тадбиркор, ишбилармонлар сафини тобора кенгайтириб бориш даркор. Мен ҳам кўп-лар қатори ёшларимизни хорихда тақриба ўрганиб келиши ўзбек шаънини жаҳонга ёйишини жуда истайман. Рус-там исмли набирам Хитойда 4 йил ўқиб, ҳозир амалий машғулотларда қатнашмоқда. Асаджон эса нақошлиқ ҳунарини эгаллаб, бир ой Темурийлар тарихи давлат музейида ишлади. 2 набирам ТошМининг 4-5 курсида таълим олмоқда. 8-синфни тугатган набирам Уткиржон Тошкент давлат техника университети қошида ташкил этилган гимназиялиқеида ўқийди.



Кани айтингчи, бу чинакам инсоний бахт эмасми?!

**Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими.



Спортда «тўсиқлар оша югуриш» деган ибора бор. Говлар оша шунча масофани қоқилмай-йикилмай босиб ўтиб, манзилга биринчи бўлиб етиб келишни бир тасаввур қилинг-а. Таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистонда воёга етган спортчилар ҳам истиқлолга қадр неча-неча марталаб олдиларига қўйилган буй баравар сунъий тўсиқларни энгиб ўтишлари керак эди. Энди-чи, говлар олиб ташлангач, хур ўлкамиз вакилларининг шоҳсўпа томон музаффар юришларидан қалбимизда гурур, сўзларимизда сурур.

Булар ҳаммаси - қурилайтган қўлаб спорт иншоотлари ҳам, халқаро майдонларда эришилаётган галабалар ҳам - бари-бари истиқлол шарофатидан.



# ISHONCH

**МУАССИС:**  
Ўзбекистон касабана уюшмалари Федерацияси

**Бош муҳаррир**  
Мирғиёс ҚАЮМОВ  
Таҳрир хайъати:  
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб-«Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Котибият 56-52-78,  
136-58-45; Хатлар бўлими  
56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр қўратқичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гўвоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақлаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотуvida эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бошқармачиси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди 03.00